

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

176 «Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар намуналарини ҳамда Ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1700-1*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 октябрдаги 290-сон «Биологик ресурслардан фойдаланишни тартибга солиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2007 йил 17 июлдаги 68-сон «Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар намуналарини ҳамда Ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

14 (670)-сон

— 33 —

176-177-моддалар

худудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди худудларида дарахт кесиш учун чипта бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1700, 2007 йил 3 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 31-32-сон, 327-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Б. АБДУСАМАТОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 3 апрель,
5-сон

Келишилган:

*Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири*

Ш. ТЕШАЕВ

2015 йил 3 апрель